БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 94 (17.972). • 23 апрель 1981 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ МОСКВАДА, ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА ДУНЁДА БИРИНЧИ СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ БУНЁДКОРИ ҲАМДА РАҲБАРИ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 111 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ЗАФАРЛАРИМИЗНИНГ БУЮК МЕЪМОРИ

МОСКВАДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

ЛЕНИН ҳозирги кунда ҳам Советлар мамлакати зафарларининг фаол иштирокчиси, улуг ва доно устозимиз бўлиб қолмоқда. Марксизм-ленинизмнинг бой хазинаси биз учун социализм ва коммунизм йўлида, бутун жаҳонда тараққиёт ва тинчлик йўлида революцион-ўзгартирувчилик фаолияти негизи бўлиб хизмат қилади. Ер курраси-нинг ҳамма қисмида Ленин номи жабр-зулмга, эксплуатацияга қарши оташин даъват бўлиб, башарият тараққийпарвар кучларининг жанговар бирдамлиги, бирлиги рамзи бўлиб жаранглямоқда.

22 апрель куни Москва Кремлдаги Съездлар саройида В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Залда пойтахт ва Москва областидаги корхоналарнинг илғорлари ва новаторлари, партия ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари фан ва маданият арбоблари, космонавтлар, Совет Қуролли Кучлари жангчилари ўтиришибдилар. Чет эл дипломатлари, чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Мажлис қатнашчилари **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, КПСС Москва область ва Москва шаҳар комитетларининг секретарлари, Ленин партиясининг ветеранлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг донгдор меҳнаткашлари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, олимлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ўтиришибди.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди.

СССР Давлат гимни садолари янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари **К. У. Черненко** «Ленин таълимотига амал қилиб, ленинчасига ишлайлик» деган мавзуда доклад қилди.

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб, баланд руҳ билан «Интернационал»ни айтадилар.

Шундан кейин катта байрам концерти бўлди.

(ТАСС).

ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИГА АМАЛ ҚИЛИБ, ЛЕНИНЧАСИГА ИШЛАЙЛИК

В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО доклади

Азиз ўртоқлар!

Бугун биз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг йиллигини тантанали нишонлаш учун йиғилдик. Бу сафар биз Ильич тавалудининг бир юз ўн бир йиллигини нишонлаяпмиз.

Бу галги Ленин хотираси куни партия билан мамлакат ҳаётидаги алоҳида даврга, коммунистлар, бутун совет халқи КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга зўр ғайрат ва шижоат билан киришган пайтга тўғри келди.

Съезд ленинизмнинг конкрет ишлардаги ва совет халқи режаларидаги тантанасини очиқ-равшан намойиш этди. Съездда айтилган гапларнинг ҳаммаси, унинг коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси масалалари, сиёсий системани такомиллаштириш, экономика ва маданиятни ривожлантириш масалалари юзасидан берган йўл-йўриқлари, унинг жаҳон революцион жараёнига ва ташқи сиёсатига оид фикр ва хулосалари — мана шуларнинг ҳаммаси Ленин таълимоти билан чамбарчас боғланган. Мана шуларнинг ҳаммаси ленинизмнинг ўзгартувчилик кучини, унинг революцион руҳини ўзида мужассамлаштиради. Шу боисдан ҳам биз: «Ленин — ҳамиша биз билан» деб айтамиз.

Ленин — улуғ мутафаккир, назариётчидир. Лекин бу таъриф унинг ҳамма фазилатларини ифодалаб бермайди. Ленин революцион фикр билан революцион ишни бирга қўшди. У большевиклар партиясини, марксча-ленинча таълимотга амал қилиб, халқимизни жаҳоншумул тарихий зафарларга олиб келган маслакдош коммунистларнинг партиясини тузди.

Чинакам тарихий шахслар замонга ўзига хос ҳукм ўтказиш қобилиятига эга эканликлари аллақачон тан олинган. Ўн йиллар ўтар, асрлар ўтар, аммо бундай кишиларнинг тарихдаги роли тобора яққол, жозибали гавдаланиб тураверади, уларнинг инсоният тақдирига ўтказадиган таъсирининг теранлиги тобора яхшироқ сезилаверади. Мана шу кўламдаги шахслар орасида Россиянинг улуғ фарзанди — Ленин алоҳида, таъбир жоиз бўлса, ноёб ўрин эгаси. Ўн йиллар ўтар, аммо бундай кишиларнинг тарихдаги роли тобора яққол, жозибали гавдаланиб тураверади, уларнинг инсоният тақдирига ўтказадиган таъсирининг теранлиги тобора яхшироқ сезилаверади. Мана шу кўламдаги шахслар орасида Россиянинг улуғ фарзанди — Ленин алоҳида, таъбир жоиз бўлса, ноёб ўрин эгаси.

Беиҳоя қобилиятли инсон, том маънодаги доҳий бўлган Ленин ижодий хусусиятларининг бойлиги билан кишини ҳайратга солади. Бу ўзига хослик ҳамма нарсада: фикр юритиш ва сиёсий фаолият характерида, ўз қизиқишларининг кенглиги ва хилма-хиллигида, мутафаккир ва профессионал революционерга хос фазилатларнинг беқиёс уйғунлигида кўринади.

Ленининг порлоқ заковати жаҳон маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдирди ва марксизмни ҳар томонлама ривожлантиришга қудратли омил бахш этди. Унинг оташ қалби озодлик ва адолатга муштоқ бўлган миллион-миллион мазлумларнинг қалби билан ҳамоҳанг уриб турар эди. Бинобарин, унинг бутун билимини, эксплуататорларга нисбатан бутун нафратини Ленининг иродаси бир мақсадга — эски дунёни бузиб, мажақлаб ташлаб, янги дунёни, эркин меҳнат дунёсини барпо этишга қаратди.

Ленин, у тузган партия мана шундай баҳодирона жасорат кўрсатдилар. Ижтимоий муносабатлар тарихидаги буюк бурилиш — Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ленин номи билан, унинг таълимоти билан, унинг революционерлик жўшқинлиги, кенг қамровли фаолияти билан чамбарчас боғланган. Социалистик Ватанимизнинг бутун тарихи Ленининг номи ва таълимоти билан боғланган. «Ленин дастлабки беш йиллик мавж урган пайтда биз билан бирга бўлди. Ленин Улуғ Ватан уруши жангларида биз билан бирга бўлди. Совет Иттифоқи халқлари янги тарихий марраларга чиқиб, коммунизм қуриш вазифаларини амалий равишда ҳал этаётган ҳозирги пайтда ҳам Ленин биз билан биргадир». — Ленин тўғрисида ўртоқ Брежнев шундай деган эди. Бу — аниқ ва маънодор сўзлардир.

Владимир Ильичга 54 йилдан салкамроқ умр кўриш насиб этди. Аммо бу — қандай йиллар бўлди! Бу йиллар — турмалар, сургунлар билан ўтди, унинг ўзи айтганидек, «дўзох азоби», муҳожирлик даври, маглубиятлар алами билан ўтди — тўхтовсиз кураш, революция йўлидаги ғалаба йўлидаги тинимсиз иш билан ўтди.

Ниҳоят, революция ғалаба қозонди. Ленин биринчи социалистик давлатнинг раҳбари бўлиб қолди. Яна беиҳоя оғир синовлар бошланди: гражданлар уруши, интервенция ва қамал, вайронгарчилик, шистирмадан туриб ўқ узиш даври бошлан кечирилди. Инсон зоти ҳали кўрмаган сабр-матонат билан, инсон зоти ҳали кўрмаган куч-ғайрат билан ишлашга тўғри келди... Аммо улуғ мақсад улуғ ғайратни юзага келтиради деганлари ҳақ гап бўлиб чиқди. Ленин ҳамма қийинчиликлар ва тўсиқлар оша, ўзининг бутун умри давомида пролетариатнинг муқаррар озодлигига комил ишонч билан яшади.

Ленин халқнинг фикр-ўйларини, кайфиятини, орзу-умидларини жуда яхши билар эди, Владимир Ильични одамлар билан, партиядаги сафдошлар билан, омма билан доимий алоқасиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. У ўзига бош касб қилиб олган пролетар сиёсатчиси, революционер касби шуни талаб қилгани учунгина эмас. Ленин табиатининг ўзи ҳам шуни талаб қилар эди.

У дўстликни қадрлайдиган, дилкаш, хушчаққақ, самимий инсон, одамнинг дилидагини фаҳмлаб оладиган сезгир суҳбатдош эди. У кибр-ҳавони асло билмас, ўз обрў-эътиборига асло маҳлиё бўлмас, ўзини баланд тутмас эди. Ленининг сафдошлари, унинг дўстлари ва ҳатто душманлари ҳам унинг мана шу фазилатларини ҳотирлайдилар. Тарихдаги энг кенг халқ ҳаракатининг чинакам халқчил йўлбошчиси ҳақиқатан ҳам шундай зот эди.

Ленин бизга беиҳоя бой мерос қолдирди. Бу мерос — бизнинг давлатимиз. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидир. Бу мерос — бизнинг курашда тобланган партиямиз, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. Бу мерос — жамиятни революцион тарзда қайта қуришнинг замон синовидан ўтган назарияси ва методологиясидир.

Ленининг мероси биз яшаб турган бутун дунёга, бутун даврга ғоят зўр таъсир ўтказиб келди ва ўтказмоқда. Жаҳондаги кучларнинг ҳозирги жойланишига, дунёдаги асосий зиддиятларга, озодлик курашининг асосий проблемаларига бир назар ташланг. Буларнинг илдизлари, ирмоқлари Ленин ва ленинчилар империалистик эксплуатациянинг жаҳон системасида биринчи туйнук очган унутилмас йилларга бориб тақалади.

Ўшандан бери орадан олтмиш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Янги дунё қийин, баъзан уқубатли йўллардан бориб қарор топмоқда. Аммо революциялар шамоли, Ленин ғоялари социал тараққиёт кемасига янги куч бахш этиб турибди. Инсониятнинг орзу-умидлари ҳам — мана шундадир.

КПСС XXVI съезднинг қарорлари — партиянинг ленинча стратегияси

Ўртоқлар! КПСС XXVI съезди бўлиб ўтганига ҳали икки ой ҳам тўлгани йўқ. Партия белгиларган режалар рўёбга чиқа борган сайин бу съезднинг тарихий аҳамияти тобора кўпроқ сезила боришш шубҳасиз. Аммо ҳозиргинг ўзидаёқ XXVI съезд КПСС XXIV ва XXV съездларининг стратегик йўлини ривожлантириб, 80-йилларнинг бошларида жамиятимиз олдида, халқимиз олдида пайдо бўлган туб масалаларга аниқ-равшан жавоб берди, деб айтиш учун ҳамма асослар бор.

Ленин социалистик қурилиш проблемаларига вазминлик ва новаторлик билан реалистик ёндашиш зарурлигини доимо таъкидлар эди. У бизга Марксниг революцион назариясига содиқ бўлишни васият қилган эди. Бу назария, Ленин ибораси билан айтганда, «ҳеч чўчимай келажакни олдиндан кўриш ва уни амалга ошириш соҳасида дадил амалий ҳаракат қилиш» имконини беради. Назарияга ва практикага айни мана шундай, ленинчасига ёндашиш руҳи XXVI съезднинг муҳитини, съезд чиқарган хулосаларнинг характерини белгилаб берди.

Съезд коммунизм йўлидаги қонуниятли, тарихан узоқ давом этадиган босқич бўлмиш ривожланган социализмнинг энг зарур иқтисодий ва социал-сиёсий проблемаларини ленинчасига теранлик билан ўртага қўйиб, таҳлил этди. Шу тариқа совет коммунистларининг съезди марксча-ленинча назарияга ва коммунистик қурилиш практикасига катта ҳисса қўшди. келгусидаги кўп йиллар учун пухта йўл-йўриқлар берди. Партия ўзининг бутун ишида мана шу йўл-йўриқларга амал қилади. Партиянинг янги таҳриридаги программасини тайёрлаш иши ҳам мана шу йўл-йўриқлар асосида олиб борилади.

XXVI съезд экономикани совет кишилари фаровонлигини оширишга алоқадор хилма-хил вазифалар сари янада чуқурроқ буриб юборди. Партия индустрияга, ғоят ривожланган қишлоқ хўжалигига, илғор фан ва маданияти юксалган навқирон социалистик республикага айланди. Республика меҳнаткашлари КПСС XXV съездида берилган ваъдани шараф билан бажардилар: Ватан пахтачилиги тарихида биринчи марта олти миллион тоннадан кўпроқ пахта етиштирилди. Республика съезд қарорларини амалга оширишда эришган жуда катта муваффақиятлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги учун Ленин ордени билан мукофотланди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР байроғида беш орден ярқираб турибди.

Ўн биринчи беш йиллик совет халқи олдида янги буюк истиқболлар очиб беради. Бу истиқболлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездида қилган докладида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981-1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларда ўзининг кенг ифодасини топди.

Партия махсус озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиб, амалга оширишга жуда катта аҳамият бермоқда. Аҳолини маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш вазифасини имкони борича қисқа муддатларда ҳал этиш керак — масала мана шу тарзда қўйилмоқда, мақсадимиз ҳам мана шу. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, аграр-саноат комплексининг барча тармоқларини ҳар тарафлама ривожлантириш эса бу мақсадга эришишнинг бош воситасидир. Қишлоқ хўжалигини унинг маҳсулотини асраш ва қайта ишлаш билан, шунингдек сотиш билан шуғулланувчи тармоқлар билан мустаҳкамроқ бирлаштириш лозим. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш билангина кифояланиб қолмасдан, ишни ҳар килограмм дон, гўшт, сабзавот, мевани сира нобуд қилмай истеъмолчига етказиладиган тарзда йўлга қўйиш ҳам керак.

Бу — кенг миқёсдаги муҳим вазифадир. Кишларнинг эҳтиёжлари тўхтовсиз ўсмоқда. Бунинг устига ҳамма иш ҳам дарҳол кўнгилдагидек бўлавермайди. Ҳар қандай ишда нуқсонларни тузатишга, камчиликларнинг ўрнини тўлдиришга тўғри келади. Мутлақо равшанки, озиқ-овқат программасининг бажарилиши алоҳида диққат-эътиборни, қатъият ва собитқадамликни талаб қилади. Бу иш масъулиятсизлик, бўшанглик, идоравий парокандалик ва хўжасизликнинг ҳар қандай кўринишларини тезроқ тугатишни, синаб кўрилмаган, янги йўлларни дадилроқ қидиришни талаб қилади.

Ўз-ўзидан равшанки, ўртоқлар, халқ фаровонлигини ошириш пишиқ-пухта иқтисодий пойдеворга, халқ хўжалиги барча тармоқларининг мувозанатли ўсишига таяниши лозим. «Бошқариш ва сиёсат юритиш санъати, — деб таълим берган эди Ленин, — ўзингнинг асосий кучларингни ва эътиборингни қаерга қаратиш кераклигини ўз вақтида ҳисобга олиш ва билишдан иборатдир». КПСС XXVI съезди Ленин методологиясига амал қилиб, партияни, совет халқини асосий куч ва эътиборни ишлаб чиқаришни интенсивлашга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратишга чақирди. Ривожланишнинг устун равишда интенсив йўлига ўтишни ниҳоясига етказиш — замон талабидир.

Биз камроқ чиқим қилиб, энг кўп натижаларга эришишга интиляпмиз. Съездда ўртага ташланган: «Экономика тежамли бўлиши лозим!» деган шиорнинг моҳияти мана шундан иборат. Хўжалик юритишга янада тежамкорлик билан ёндашиш тўғрисида гап бормоқда, бу эса аввало илгари вужудга келиб қолган кўпгина одатларни, нуқсоларни йўқ қилишни, миқдор кўрсаткичларини кўзлайдиган ва сифат кўрсаткичларига етарли баҳо бермайдиган фикр ва практикани қатъият билан тугатишни талаб қилади. Хўжалик механизмининг ҳар бир бўғини ва бутун мана шу механизмнинг ўзи узилишларсиз, бир маромда, бенуқсон ишлаб туриши тўғрисида гап бормоқда. Келгуси даврдаги партия иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўл-йўриқларидан бири мана шундан иборат.

Ўртоқлар! Етук социализм шароитида демократияни янада такомиллаштирмай, меҳнаткашларнинг онглилиги ва ташаббускорлигини оширмай туриб, халлос жамиятнинг иқтисодий-сиёсий ва маънавий тараққиёти деб аталган жамики белгиларсиз экономикани ривожлантириб бўлмайди.

Бўлиб ўтган съезд «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»ни маъқуллади. Шу ҳужжат номининг ўзи ҳам рамзий маънога эга. Бу ном иқтисодий масалалар социал тартибдаги вазифалар билан ғоят чамбарчас боғлиқ равишда кўрилишини таъкидлайди. Партия мамлакатнинг эртанги кунини иқтисодий ва илмий-техникавий потенциал ўсиши билангина чекланмасдан, совет кишиларининг таъминотини кўпайтиришдан ҳам иборат, деб билади. Жамиятнинг социал-синфий ва миллий тузилишини янада ривожлантириш вазифаси ҳам муҳим вазифадир.

Етук социализм шароитида зўр социал ва сиёсий аҳамиятга молик жараёнлар содир бўлмоқда. Совет жамиятининг социал бир хиллиги кучаймоқда, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлилар, барча миллат ва элатлар ўзаро тобора яқинлашмоқда, совет умумхалқ давлати ривожланиб, мустаҳкамланмоқда. Мана шу силжишларнинг ҳаммаси СССРнинг янги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Съездда Л. И. Брежнев: жамиятнинг синфсиз структураси асосан ва бошлича етук социализмнинг тарихий донрасида вужудга келиб боради, деган муҳим назарий қоидани илгари сурди. Бу хулоса зиммамизга кўп мажбуриятлар юклайди, ўртоқлар. Келгуси йилларда партиянинг социал сиёсати нималарга қаратилиши лозимлигини бу хулоса яққол кўрсатиб турибди.

(Давоми иккинчи бетда).

ДОҲИЙ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

ЎЗБЕКИСТОН меҳнаткашлари бутун совет халқи билан, барча тараққийпарвар кишилар билан биргаликда Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 111 йиллигини тантанали вазиятда нишонламоқдалар. Улар ана шу шонли санани КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорлари вужудга келтирган зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган шароитда, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — партия ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олдилар.

22 апрель куни Тошкентда В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида ўтказилган тантанали йиғилиш В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигига бағишланди.

Ленин ишининг содиқ давомчиси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Доклад қилиш учун сўз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. Айтмуротовга берилди.

Докладчи Ильичнинг ҳаёти ва фаолиятини батафсил тавсифлаб, қуйидагиларни таъкидлади: Ильичнинг барҳаёт ғоялари совет кишиларининг буюк зафарларида муваффақиятли суратда амалга оширилди ва амалга оширилмоқда, асримизнинг зафарли пролетар, халқдемократик, миллий-озодлик революциялари практикасида ўзининг порлоқ пфодасини топмоқда ва ҳозирги вақтда коммунистик ва ишчи партияларнинг курашига тўғри йўл кўрсатиб бермоқда.

Ўзбекистон ССР экономикаси ва маданиятининг барқ уриб ўсганлиги революция доҳийсининг васиятлари тантана қилганлигини, Ленин чизиб берган режалар амалга ошганлигини яққол кўрсатувчи намунадир. Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида Октябрь революцияси, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати туфайли, оғамиз — улуғ рус халқининг, мамлакатимиздаги барча халқларнинг бегараз ёрдами туфайли эндиликда қудратли индустрияга, ғоят ривожланган қишлоқ хўжалигига, илғор фан ва маданияти юксалган навқирон социалистик республикага айланди. Республика меҳнаткашлари КПСС XXV съездида берилган ваъдани шараф билан бажардилар: Ватан пахтачилиги тарихида биринчи марта олти миллион тоннадан кўпроқ пахта етиштирилди. Республика съезд қарорларини амалга оширишда эришган жуда катта муваффақиятлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги учун Ленин ордени билан мукофотланди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР байроғида беш орден ярқираб турибди.

Ўн биринчи беш йиллик совет халқи олдида янги буюк истиқболлар очиб беради. Бу истиқболлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездида қилган докладида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981-1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларда ўзининг кенг ифодасини топди.

Барча совет кишилари каби республика меҳнаткашлари ҳам, деб ўқтириб ўтди докладчи, шонли санани байрам қилиш билан партиянинг фаолиятини якдиллик билан маъқуллаганликларини изҳор этадилар, халқ бахт-саодати тўғрисида, Ватаннинг қудратини ўстириш ҳақида, Ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетидан, унинг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневдан астойдил миннатдор эканликларини билдирадилар. Улар меҳнатда янада кўпроқ муваффақиятларга эришишга, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қатъий қарор бергандирлар. Республика меҳнаткашлари ўзларининг ватанпарварлик туйғуларини В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликда яққол намойиш қилдилар.

Совет кишиларининг КПСС XXVI съезди белгилаган тарихий режаларни амалга оширишга қаратилган фидокорона меҳнати партия билан халқнинг бузилмас бирлигини жуда ёрқин мужассамлаштиради. Бу бирлик Ильичнинг буюк васиятларини амалга оширишда янги ғалабаларимизнинг гаровидир.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Л. Н. Мелкумов, БКП Хасково округ комитетининг секретари А. Тенев бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси Хасково округи делегацияси иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Халқлар хотирасида мангу яшайди

Коммунистик партия ва Совет давлати асосчиси Владимир Ильич Ленинга бўлган меҳр-муҳаббат совет кишилари қалбида мангу яшайди. Ильич туғилган куннинг 111 йиллиги кунида Тошкент шаҳри ва Тошкент области меҳнаткашларининг минглаб намояндалари Ўзбекистон пойтахтидаги жаҳон пролетариати доҳийси номи билан аталган бош майдонга келишди. Чет мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам шу ерда ҳозир бўлишди.

Барҳаёт Ленин ғояларига садоқат рамзи сифатида В. И. Ленин улуғвор ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгаши, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан, шаҳар корхоналари ва муассасалари коллективларидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйиш тантанали маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари Е. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИГА АМАЛ ҚИЛИБ, ЛЕНИНЧАСИГА ИШЛАЙЛИК

(Бошы биринчи бетда).

Мана шу сиёсат замирида айниқса ончалик обод бўлмаган районларда уй-жой, маданий-маиший қурилишни жадал суръатлар билан олиб борыш; оз малака талаб қиладиган ва оғир жисмоний меҳнатни қисқартириш; иш ҳақи ва пенсияларни ошириш; бутун тақсимот соҳасини такомиллаштириш кўзда тутилади. Миллион-миллион кишиларга бевосита дахлдор бўлган мана шу масалаларнинг ҳаммасини партия давлат тартибида ҳал этиладиган масалалар деб ҳисоблайди. Бас, шундай экан, бу масалаларга давлат нуқтаи назаридан ёндашмоқ керак.

Социал соҳадаги ўзгаришлар сиёсий устқурма билан бевосита боғлиқдир. Совет сиёсий системасида касаба союзлари, комсомол, меҳнаткашларнинг бошқа бирлашмалари партия раҳбарлигида жуда катта роль ўйнамоқдалар, бу система турли социал группаларнинг манфаатларини гоят зўр эътибор билан ҳисобга олиш, мувофиқлаштириш, бу манфаатларни бутун жамият манфаатлари билан, коммунистик қурилиш вазифалари билан бирга қўшиш имконини беради. Бинобарин, совет сиёсий системаси жамият ишларини кун сайин бошқариб боришга меҳнаткашларнинг тобора кўпроқ катта оммасини реал равишда жалб қилиши ўз-ўзидан равшан. Бизнинг кучимиз, бундан буёнги муваффақиятларимизнинг гарови мана шундадир.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида иқтисодий ва социал сиёсатнинг асосий вазифалари янги инсонни шакллантириш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш билан бир бутун қилиб боғланган, XXVI съезд ҳужжатлари ва қарорларида меҳнаткашларни бевосита тўлқинлантираётган масалаларнинг кўплиги, съезд гоялари, қоидалари ҳар бир кишига, унинг манфаатларига, фикр-ўйлари ва ҳис-туйғуларига қаратилганлиги бу ҳужжатлар ва қарорларнинг ўзига хос ёрқин хусусиятларидир.

Партиянинг инсонпарварлик мақсадлари ва сиёсати совет кишиларининг осойишта ва муносиб равишда яшашига, муваффақиятли меҳнат қилишига халақит берадиган жамики иллатларга қарши муросасиз курашдан ажралмасдир. «...Барча ташкилий, молиявий, юридик воситалар ёрдамида, деди ўртоқ Брежнев, текинхўрлик, порахўрлик, чайқовчиликка, меҳнатсиз даромад қиладиганларга, социалистик мулкка кўз олайтиришларга оғир борадиган ҳар қандай йўлларни маҳкам беркитиб ташлаш керак». КПСС Марказий Комитети барча партия комитетлари, ҳамма давлат ва жамоат ташкилотлари амалий ишларда мана шу кўрсатмага риоя қиладилар, деб ишонч билдиради.

Съезд мана шу мураккаб масалалар тўғрисида ғап борганида умуман янги инсонни камол топтириш каби, бу масалани ҳал этишда ҳам социал-иқтисодий сиёсатнинг мустаҳкам пойдеворига таянш лозимлигини уқтирди. Агар салбий ҳодисаларни одамлар онгидаги «ўтмиш сарқитлари»дангина иборат қилиб қўйилса, ҳозирги практикадан, у ёки бу ходимларнинг нуқсонларидан қидириш лозим бўлган камчиликлар, сабаблар диққат-эътибордан четда қолади. Бунда сўз орқали тарбиялаш билан ҳаёт орқали тарбиялаш ўртасида узилиш пайдо бўлиши мумкин. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Съезд идеология, сиёсий тарбия иши ҳамма жойда одамларга, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларига эътиборли бўлиш билан мустаҳкамланишни талаб қилади. Башарти ишлаб чиқаришни деб ёки бошқа ҳар қандай баҳоналарни кўрсатиб одамларнинг эҳтиёжлари тўғрисидаги ғамхўрлик иккинчи ўринга суриб қўйилса, бунинг натижасида одамларгагина эмас, ишлаб чиқаришнинг ўзига ҳам зарар етади.

Ишга ленинча ёндашиш инсонга ғамхўрлик ва ишончни юксак талабчанлик билан бирга қўшади. Партия ҳам шундай қилмоқда. Съезд ўзининг бутун руҳи, бутун мазмуни билан ҳар бир инсоннинг энг яхши фазилатларини намоён этишга, таашаббускорликка кенг йўл очиб қўйишга, ҳалол меҳнатнинг қадр-қимматини кўтаришга ундайди. Инсон қандай бўлса, у қандай меҳнат қилса, жамиятимиз ҳам шундай бўлади. Партия Ленининнинг мана шу фикрига ҳамиша асосланиб келди ва асосланаверади.

Ўртоқлар! Очиқ-равшан шуни айтиш мумкинки, съезд қарорларини, унинг ғояларини коммунистларгина эмас, барча меҳнаткашлар ҳам маъқуллайдилар. Ана шу қарорлар ҳозирнинг ўзидаёқ турмушга татбиқ этила бошлади. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорларида саноатнинг бир қанча тармоқларини ва энергетикани ривожлантиришнинг конкрет тадбирлари белгиланди. Россия Федерациясининг Ноқоратупроқ ва Марказий Қоратупроқ районлари қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Советларнинг хўжалик қурилишидаги ҳуқуқлари кенгайтирилди; ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар пенсияларининг минимал миқдорлари оширилмоқда, болали аёлларга бериладиган ёрдам кўпайтирилмоқда.

Съезддан кейинги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси «Самарали ва сифатли ишлаймиз!» шиори остида тобора мавж урмоқда.

Яқинда шу йилнинг биринчи кварталида халқ хўжалигини ривожлантириш якунлари чиқарилди. Бу якунлар умуман чакки эмас, мамлакат саноати маҳсулотнинг умумий ҳажми, меҳнат унумдорлигини ошириш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган планни ошириб бажарди.

Ленин билан чамбарчас боғланган шаҳар — Москва коммунистлари, барча меҳнаткашлари XXVI съезд қарорларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Совет ҳокимиятининг энг оғир дастлабки йилларида Ленин шу ерда туриб партия билан мамлакатга раҳбарлик қилган эди. Бу ерда Ленин неча марталаб завод ва фабрикаларга борган, ишчилар билан суҳбатлашган, улар ҳузурида нутқ сўзлаган эди. Ленин Москва пролетарлари намуна бўлиб хизмат қиладилар, уларга «бошқа шаҳарларнинг ишчилари эргашиб борадилар» деб умид қилган эди. Ленин наказига садоқатли бугунги москваликлар, Москва партия ташкилоти ҳам коммунизм бинокорларининг олдинги сафларида бормоқдалар.

Бутуниттифоқ ленинча шанбалиги чинакам меҳнат байрами бўлиб қолди. Меҳнаткашларнинг ўзлари билдирган фикрни эътиборга олиб, шанбаликда ишлаб топилган маблағни оналик ва болаликни муҳофаза этишни янада яхшилашга, жумладан, туғруқхоналар, мактабгача тарбия муассасалари қурилишига, шунингдек уруш ва меҳнат ветеранларига медицина хизмати кўрсатишга сарфлашга қарор берилди. Шанбаликнинг барча қатнашчилари маблағни мана шу мақсадларга ишлатишга рози бўлишлари шубҳасиз.

Ўртоқлар! Партия XXVI съезднинг асосий сиёсий ҳужжати — Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот доклади зўр назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Бу ҳужжат тараққиётимизнинг ҳар бир проблемасига вазминлик билан реалистик ва айни вақтда дадил, новаторларча ёндашиш намунасидир. Марказий Комитетнинг Ҳисобот доклади, съезднинг қарорлари барча коммунистлар, ҳамма совет кишилари ақл-заковатининг ижодий ишини кучайтиради.

КПСС Марказий Комитетига юборилаётган кўпдан-кўп хатларда съезд якунларига юксак баҳо берилмоқда. Партиянинг донишмандлигига ишонч руҳи билан суғорилган шу хатларда КПСС Марказий Комитетига, унинг Бош секретари Леонид Ильич Брежневга ташаккур изҳор этилган. Хатларнинг авторлари Леонид Ильичнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўрқ» китобларига қайта-қайта мурожаат қилмоқдалар. Бу китобларни улар эсдаликларгина эмас, балки аввало ҳозирги ва келгусидаги ишларимизга бевосита тааллуқли бўлган ўтмиш сабоқлари тўғрисида сидқидилдан қилинган чуқур мазмунли, дилкаш, суҳбат деб билмоқдалар. Бу китобларни улар Ленин тахлитидаги коммунистнинг ҳаёти ва фаолияти намунаси деб билмоқдалар.

Ўз халқининг, ўз партиясининг содиқ фарзанди Леонид Ильич Брежнев уруш йилларида ҳам, тинч даврда ҳам ленинчи коммунист қаерда бўлиши лозим бўлса, ҳамиша ўша ерда — энг қийин жойларда, мамлакат ҳаётининг энг муҳим масалалари ҳал этилаётган жойларда бўлди. Ўртоқ Брежнев билан ёнма-ён ишлаётган ҳамма кишилар унинг ҳайрихоҳлиги юксак талабчанлик, принципиалликдан ажралмас эканини биладилар. У ҳар бир масала ҳусусида пухта ўйлаш маҳоратини партия қарорларини амалга оширишдаги ноёб қатъиятлик билан қўшиб олиб боради. У одамларни энг мураккаб вазифаларни бажаришга жипслаштириш ва уюштиришга ҳаммадан кўра ҳам моҳир кишидир.

Бизнинг мураккаб давримизда айни Леонид Ильич Брежнев жаҳон майдонида мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилаётганлиги, бу манфаатларни муносиб равишда қатъият билан ҳимоя қилаётганлиги бизнинг бахтимиздир, Ўртоқлар. Бутун Ер куррасидаги барча софдил кишиларнинг кўз ўнгида унинг номи, унинг иши тинчлик ва социал тараққиёт сиёсатининг, улуг Ленин асос солган сиёсатнинг тимсолидир.

Ленин таълимотига амал қилиб, ленинчасига ишлаётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бундан буён ҳам ана шу бирдан-бир тўғри сиёсатга содиқ қолаверади, коммунистик қурилиш йўлидан муттасил олга бораверади!

Совет Иттифоқининг 80-йиллардаги Тинчлик программаси

Ўртоқлар! 1918 йилда, ёш Советлар Республикаси ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган бир пайтда Ленин ҳаққоний ифтихор билан бундай деб ёзган эди: «...Гарчи бизнинг республикамиз империалистлар томонидан қийновга солинган, таланган бўлса ҳам, биз, социалистик республика сифатида, империалистик урушдан ташқарида қолдик ва тинчлик байроғини, социализм байроғини бутун дунё олдида кўтариб чиқдик». Бизга қандай дағдаға қилмаснлар, бизнинг бошимизга қандай синовлар туширмаснлар, совет коммунистлари бу байроқни ҳамиша баланд кўтариб бордилар. Ленин партияси ташқи сиёсатда комил ишонч билан мудом Ленин йўлидан бораётганини КПСС XXVI съезди яна бир карра кўрсатди!

80-йилларнинг бошларида халқаро вазият жиддий равишда чигаллашганлиги маълум. Империализмнинг, аввало Америка империализмининг сиёсати 70-йилларда кескинликни юмшатиш йўлида эришилган ютуқлардан кўпини йўққа чиқариш хавфини солмоқда. Қуролланиш пойгасини авж олдираётган НАТОнинг урушқоқ доиралари социализм билан капитализм ўртасида вужудга келган ҳарбий-стратегик мувозанатни қўпориб ташлашга, жаҳон майдонидаги кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартиришга уринмоқдалар. Бунда Хитойнинг тинчлик ишига душманчиликдан иборат ҳозирги ташқи сиёсатидан актив фойдаланилмоқда. Натижада кескинликни юмшатиш йўлида катта тўсиқлар пайдо бўлди. Ўтган ўн йиллик ўрталарида бирмунча камайтирилган уруш хавфи яна кучайди.

Шу сабабли партиямизнинг XXVI съезди шу қадар зўр диққат-эътибор билан қутиб олингани равшан. Биз ўзимизга қарши қилинаётган игвогарликка жавоб берамизми? Вашингтоннинг дағдағали декларацияларига ва хатти-ҳаракатларига Москва нима дейди, унга қандай жавоб қайтаради? Съезд арафасида чет эллардагилар мана шулар ҳақида фикр юритиб, баҳслашишган эди. Энди баҳслашишга ўрин қолмади. КПСС XXVI съезди халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлашнинг кенг амалий программасини эълон қилди.

Кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, тинчликни мустаҳкамлаш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Ҳар қандай ядровий тўқнашув инсоният бошига беҳисоб кулфат келтирган бўлур эди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди! Ҳозирги замоннинг энг ўткир масаласи — уруш ва тинчлик масаласига КПСС ёндашувининг моҳияти мана шундан иборат.

Даҳшатли вайронгарчилик кучига эга бўлган қурол ишлари ҳеч қачон бу қадар тез суръатлар билан тўпланмаган эди. Низолари ёки можароларни ҳал этиш учун бу қуролдан фойдаланиш йўлидаги уринши илгари ҳеч қачон Ер куррасидаги бутун цивилизацияга ва ҳатто ҳаётнинг ўзига бу қадар хавф солмаган эди.

Мана шулардан хулоса чиқариб, термо-ядро урушини сиёсатнинг оқилона ва сал бўлмаса «қонуний» давоми деб билиш жиноятдир, деб айтмоқ керак. Ҳозир ҳар қандай масъулиятли давлат арбоби кучга ишониш, ракета-ядро қуролини қўлланишга умид боғлаш инсониятнинг келажагини таҳлика остига қўйишини англаб олишга мажбур.

Бироқ, афсуски, Атлантика океанининг ҳар икки тарафидаги баъзи сиёсатчиларнинг баёнотлари ва ҳаракатлари улар буни тушунмаётганликларидан ёки тушунишни хоҳламаётганликларидан далолат беради. Бунинг устига улар «чекланган», «дозаланган» ядро уруши тўғрисида ғап сотиб, одамларнинг онгига ракета-ядро тўқнашувига йўл қўйиш мумкин, бу тўқнашув мақбул деган фикрни сингдиришга уринмоқдалар. Шу боисдан ҳам, Ўртоқлар, термо-ядро урушининг ҳалокатли оқибатлари тўғрисидаги ҳақиқатни барча халқлар тўла-тўкис англаб олишлари муҳимдир. Шунга биноан, КПСС XXVI съезди турли мамлакатларнинг энг таниқли олимларидан ядро ҳалокатининг олдини олиш мутлақо зарурлигини кўрсатиб берадиган мўътабар халқаро комитет тузиш тўғрисидаги таклифни маъқуллади.

XXVI съезднинг ташқи сиёсат программасини умуман таърифлаган пайтда КПССнинг халқаро ишлардаги йўли вақтинчалик тебранишларга тобе эмаслигини, қандайдир тор, ҳудбинлик мақсадларига бўйсундирилмаганини, бирон-бир халққа ёки давлатга қарши қаратилмаганини фаҳмлаб олса бўлади. Бу программа урушга қарши, милитаризмга ва янги мустамлакачилик кучларига қарши қаратилгандир. Бу программа тинчликни таъминлашга, халқаро майдондаги бутун вазиятни соғломлаштиришга қаратилгандир.

Ҳозир бизнинг программамизни парламентлар, ҳукуматлар, партиялар, жаҳон жамоатчилиги кенг суратда муҳокама қилмоқда. Шу муносабат билан баъзи бир жиҳатларга ўтҳталиб ўтмоқчиман.

Европада ўртача олисликка учадиган янги ракета-ядро воситаларини жойлаштиришни чеклаб қўйиш тўғрисида. Шу таклиф хусусида Ғарбдагилар оғизларига келган турли-туман ғапларни кўплаб айтдилар. Ҳолбуки, бу мутлақо равшан масала эди. Қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида музокаралар олиб бориши ҳоҳлаган тақдирда, бу ишни астойдил ва муваффақиятга эришиш умиди билан қилишни ҳоҳлаган тақдирда қурол-яроғларнинг мавжуд даражаларини — лоақал музокаралар вақтида кўпайтирмай турган яхши эмасми, ахир?

Ўртоқ Брежневнинг яқинда Прагада сўзлаган нутқида Европадаги ракета-ядро қуролини камайтириш проблемаси жуда очиқ-равшан тасвирлаб берилди. Совет позициясининг моҳияти шундан иборатки, Европа қитъасида вужудга келган таҳминий ҳарбий мувозанатни бузмай, унинг даражасини қадам-бақадам камайтиришга эришмоқ керак.

Маълумки Совет Иттифоқи Европада ишонч тадбирларини қўлланиш зонасини кенгайтиришни таклиф қилди. Биз ишонч тадбирларини Узоқ Шарқда қўлланиш тўғрисида ҳам бир битимга келишга тайёрмиз. Аммо Пекингдагилар бизнинг таклифларимизни шоша-пиша пропаганда деб атадилар. Аммо мана шу жуда катта ва нотинч зонадаги вазиятни соғломлаштириш проблемаси кўндаланг бўлиб турибди ва ҳавфсизликка интилган киши бу проблемани ҳал этиш йўлларини қидиришдан бўйинтовлай олмайди.

Яна бир муҳим масала устида тўхталиб ўтмоқчиман. Қўшма Штатларда у ёки бу конкрет масалалар хусусидаги музокаралари халқаро проблемаларнинг бутун спектори билан «боғлиқ равишда» олиб бориш керак, деб зўр бериб такрорламоқдалар. Ҳали яқиндагина Американинг аввалги маъмурияти ҳамма нарсани «инсон ҳуқуқлари» тўғрисидаги бошдан-оёқ сохта ғамхўрлик билан боғлаб келган эди. Энди янги «боғланишлар» тўқиб чиқарилди. Хўш, буларнинг ҳаммаси нимага хизмат қилади? Шунга хизмат қиладики, айтайлик, стратегик роллари чеклашга онд музокаралардан бош тортмоқдалар, можароли вазиятларни кескинлаштирмоқдалар, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига бевосита ёки бавосита аралашмоқдалар. Рейган маъмуриятининг Сальвадорга нисбатан ўтказаётган сиёсати ёки блокларга қўшилмаган мустақил Афғонистонга қарши игвогарликлари шундан дарак бермайдими, ахир?

Социалистик Польша тевирагидаги машмашаларни олиб қўрайлик. Ғарбдаги баъзи арбоблар, бир томондан, кескиндикни юмшатиш истиқболларини шу мамлакатдаги воқеаларнинг ривожига боғлиқ қилиб қўйсалар, иккинчи томондан, Польшадаги аҳволни ёндан чиқаришга, тангликдаврининг бартараф этилишини қийинлаштиришга қитилмоқдалар. Бу — ғирқорона ва авантюристик позициядир. Поляк коммунистлари, поляк меҳнаткашлари бақувват мустақил социалистик ватанни барпо этдилар. Улар ўз ғалабаларини қўлдан бермайдилар. Халқ Польшасининг бемалол ишонса бўладиган содиқ дўстлари борлигини эслатиб қўймоқчиман.

Совет Иттифоқи халқаро муҳитни тўдан соғломлаштириш учун курашиб, конкрет ташаббуслари илгари сурар экан, ультиматумлар қўймайди. СССР: ё ундай бўлсин — ёки бундай бўлсин, деб мутлақо айтмоқчи эмас. Совет таклифлари актуал халқаро вазифаларни ҳал этишга қўмак бера оладиган ҳар қандай ташаббуслар муҳокама қилиниши мумкин ва лозим бўлган музокараларга, мулоқотларга даъват этмоқда. Совет Иттифоқи АҚШ, Франция, ГФР билан, бошқа мамлакатлар билан икки томонлама муносабатлар доирасида ҳам, шунингдек БМТ Хавфсизлик Кенгаши доирасида ҳам ҳар қандай лавозимдаги вакиллар иштирокида мана шундай мулоқотга тайёрдир. Ўртоқ Брежнев яқинда таъкидлаб ўтганидек, бунда биз аввалдан ҳеч қандай шартлар қўймаймиз.

Ғарбдаги муайян доираларнинг биз билан дўқ-пўписа тилида ғаплашиш, уларнинг кескинлик ва «совуқ уруш» ёқасида хатарли найрангбозлик қилиш йўлидаги уринишларига келганда, партиямиз қатъий қилиб шуни айтадики, биз ўз мамлакатимизнинг ва иттифоқчиларимиз қонуний манфаатларининг камситилишига сира йўл қўймаймиз.

Совет Иттифоқи халқаро муносабатларни яхшилаш манфаатларини кўзлаб, қатъият билан ҳаракат қилар экан ўз ҳушёрлигини бўшаштирмайди. XXVI съезд бу хусусда жуда аниқ ғапни айтди. Совет қалбининг ва унинг дўстларининг тинч яшаши учун мустаҳкам қалқон керак. Бизда мана шундай қалқон бор, бу қалқон шавкатли Совет Қуролли Кучларидир, бу қалқон — Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг иттифоқчи армияларидир.

Совет Тинчлик программасини рўёбга чиқариш бир йилга мўлжалланган эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ бизнинг программамиз аслини олган-бўладиган ишлар борлигини ва ҳеч ким бизнинг ишимизнинг ҳеч бир ҳаракатини ҳеч ким ҳеч ҳаётимизнинг ҳеч бир ҳаракатини ҳеч ким ҳеч ҳеч ҳеч

ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИГА АМАЛ ҚИЛИБ, ЛЕНИНЧАСИГА ИШЛАЙЛИК

(Боши иккинчи бетда).

Революцион кураш тажрибаси, социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибаси бизни догматизмга, тафаккурнинг қотиб қолишига қарши, тайёр схемалар ва қолипларни ўйламай-нетмай қўлланишга қарши қатъий курашишга ўргатади. Марксизм — деб таъкидлаган эди Ленин, — догма эмас, балки ҳаракат учун дастуриламалдир. Ленинизм — догма эмас, балки ҳаракат учун дастуриламалдир, — дейишмоқда Ленининг шогирдлари. Ленинга содиқ бўлиш — партиямиз асосчисининг ҳам назарий, ҳам амалий фаолиятига хос бўлган ижодий руҳ билан яшаш демакдир. Ленинга содиқ бўлиш — революцион таълимотимизни хоҳ ўнгдан, хоҳ «сўлдан» бузиб кўрсатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши қатъий курашиш демакдир.

Ҳаёт оқими шиддат билан бормоқда. Ҳозирдаёқ ҳал этилган проблемалар ўрнига ҳал этилиши лозим бўлган янги проблемалар келиб чиқмоқда. Бинобарин кеча тўғри бўлган нарсалар эртага нотўғри бўлиб қолиши мумкин. Янги ҳодисалар ва жараёнларни ўз вақтида пайқаб билиб олиш, уларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, амалиёт учун янги назарий йўл-йўриқлар бериш зарурлиги мана шундан келиб чиқади.

Ленин худди мана шундай иш кўрган эди. У партияни — ишчилар синфининг ҳужумкор авангардини айни шунга ўргатди. Шундай партияни, янги типдаги революцион партияни ташкил қилиш ва мустаҳкамлаш учун курашда Ленининг Россия ва жаҳон пролетариати озодлик ҳаракатининг ташкилотчиси ҳамда йўлбошчиси сифатидаги барча фазилатлари энг кўп даражада тўлиқ намоён бўлди. Биз шуни тамомила ҳақли равишда қайта-қайта айтамизки, Ленин даҳоси партия ишлари ва зафарларида яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда.

Ленин партиясига мансублик — ҳам юксак шараф, ҳам юксак масъулиятдир. Ижодий жўшқинлик, сўз билан ишнинг бирлиги ташаббус учун кенг имконият ва қабул қилинган қарорларни амалга ошириш чоғида сўзсиз интизом, талабчанлик ва айни вақтда ишонч ҳамда меҳрибонлик — Ленин бутун партияга, ҳар бир коммунистга мана шуларни васият қилган эди. Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети ҳам ленинча анъаналарни муқаддас билиб асрамоқда. Ленинча иш услуби тўғрисидаги гамхўрлик ҳам мана шунинг ўзидир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси доимо амал қиладиган Ленин васиятларига садоқат ҳам мана шунинг ўзидир!

* * *

Ўртоқлар! Биз Владимир Ильич туғилган кунинг 111 йиллигини нишонлар эканмиз, ленинизмнинг тарихий аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб ўтамиз.

Совет Иттифоқида социалистик жамият барпо этилганлиги ва коммунизм қурилишига ўтилганлиги, жаҳон социализм системаси шакилланганлиги ва ўсганлиги ленинизмнинг галабасидир. Ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг муттасил ўсиб бораётганлиги ленинча революцион таълимот билан боғланган. Ана шу ҳаракат капитализм қалъаларининг ўзидаги вазиятни тубдан ўзгартириб юбормоқда. Ленин ғояларининг кучи ва таъсири мустамлака империяларининг емирилишида, илгари забун, мазлум ўнлаб миллатларнинг тарихий фаолиятига қўшилганлигида намоён бўлди.

Коммунистлар жаҳондаги вазиятни соддалаштиришга, идеаллаштиришга мойил эмаслар. Капитализм ҳали кучли. Капитализмнинг бош марказлари янги мустамлакачилик методларидан фойдаланиб, халқаро монополиялар тармоқларига таяниб «учинчи дунё»даги кўпчилик мамлакатларни ҳамон эксплуатация қилмоқда. Империалистлар тазйиқи, социал можаролар, турли миллий ва диний гуруҳлар ўртасидаги кураш мураккаб равишда чирмашиб кетганлиги Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатларда вазиятни ғоят беқарор қилиб қўймоқда. Жаҳоншумул проблемалар шу жумладан тарқоқ, социал жиҳатдан бир хил бўлмаган дунёда рўй бераётган фан-техника революцияси вужудга келтираётган проблемалар кескинлашмоқда.

Эскилик билан янгилик ўртасида тўқнашувлар бўлиб турган мураккаб, зиддиятли замонамизнинг воқеликлари мана шулардан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, бу курашда биз янгилик томонида турибмиз. Биз дунё яхшироқ бўлиши мумкин ва лозимлигига аминмиз. Бинобарин биз, коммунистлар, ленинчилар дунё яхшироқ бўлиб қолишига эришамиз.

Ленининг барча миллатлар социализмга эришадилар, аммо уларнинг ҳар бири социализмга ўз йўли билан боради, деган фикри дунёни социал жиҳатдан тобора кўпроқ ўзгартиришда йўлчи юлдуз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Биз ҳаммамиз XXVI съездда революцион кучлар намояндаларининг нутқларини тинглаб конкрет ва ҳар хил сиёсий вазиятларда кураш формалари ва усулларини таплаб олиш чоғида Ленининг назарий меросидан фойдалана билиш, ленинча методологияни қўлланиш нақадар катта самаралар беришига қайта-қайта ишонч ҳосил қилдик. Бунда омманинг тарихий ижодкорлиги, тарихий фаолияти учун ҳақиқатан ҳам ғоят кенг майдон бор.

Социализм тўғрисидаги тасаввурлар ҳамма жойда ва ҳамиша ҳам ленинча мезонларга мос келавермайди албатта, аммо социалистик ғоялар ва идеалларнинг ҳамма жойда оммалашиб бораётганлиги капитализм ўз обрўйини тушириб қўйганлигидан далолат беради. Халқлар ўзга йўлни қидирмоқдалар, бинобарин улар бугунми ёки эртагами илмий социализмни қабул қиладилар. Маркс ва Ленин кўрсатган йўлдан борадилар.

Эндиликда социал тараққиётга интилиш бутун дунёда мустаҳкам тинчлик йўлидаги курашдан ажралмасдир. Шу боисдан ҳам тинч-тотув яшаш ленинча ғояси социализм тащқи сиёсатининг таг заминли пойдевори, барча демократик тинчликсевар кучларнинг талаби бўлиб қолмоқда. Халқлар хатарли жар ёқасидан узоқлашишни, ракета-ядро ҳалокати хавфини бартараф этишни талаб қилмоқдалар. Биз, ленинчилар инсоният истиқболини қутқариб қолмоқ учун имкони бўлган ҳамма ишни қиламиз.

Социал тараққиёт йўлларини очиб бориш, тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, ана шу улуғ мақсадлар учун курашда меҳнаткашларни жипслаштириш, бирлаштириш — ленинизмнинг олижаноб, инсонпарварлик бурчи шундан иборат.

Ленинизм — турмушни янгилаш тимсолидир. Ҳозирги бутун жаҳон тараққиёти Владимир Ильич Ленин ҳулосалари ва башоратлари йўлидан бормоқда.

XXVI съезд партиямиз, халқимиз Ленин васиятларига амал қилишга, Улуғ Октябрнинг тарихий ғалабаларини асраш ва кўпайтиришга астойдил шай эканлигини яна бир бор таъкидлади.

Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашлари озодлик курашининг байроғи — ленинизм!

Яшасин халқлар ўртасида ленинча тинчлик ва дўстлик сиёсати!

Ленин ва ленинчилар партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

Коммунизм бинокори, улуғ Ленин ишининг давомчиси — совет халқига шон-шарафлар!

* * *

Ўртоқ К. У. Черненконинг доклади зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

21 апрель куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани билан СССР Давлат бюджетининг 1981 йил 1 кварталидаги бажарилиши якунлари кўриб чиқилди.

СССР Министрлар Совети КПСС XXVI съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида баён этилган қоидалар ва вазифаларни, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ҳамда съезд тасдиқлаган Асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тошириди, шунингдек КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли, тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, ўз қарамоғидаги бирлашмалар, корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг 1981 йил 1 кварталдаги хўжалик фаолияти якунларини синчиклаб анализ қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажариш вазифасини юклади, токи 1981 йилги план ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятлар тўла ва ошириб ado этилиши таъминласин.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига мувофиқ халқ хўжалиги айрим тармоқларини ривожлантиришдаги танг жойларни бартараф этиш, тугалланмаган қурилишлар ва ўрнатилмаган машина-ускуналар ҳажмини камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни ишга тушириш, моддий ресурсларни сарфлаш ва улардан фойдаланишда қаттиқ тежамкорлик режимини таъминлаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишчиларнинг ҳалқ истеъмолидаги ҳаражатларини ошириш ва ҳаётий даражасини яхшилашга ҳамда сифатини ошириш учун қўшимча имкониятларни қидириб топиш зарурлигига алоҳида эътибор жалб қилинди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Госснабига, СССР «Госкомсельхозтехника»сига ҳамда тегишли министрликларга қишлоқ хўжалиги учун ажратилган техника, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун химиявий воситалар ва бошқа моддий-техника ресурслари ўз вақтида етказиб берилишига онд қўшимча тадбирларни кўриш, кўкламги дала ишларини муваффақиятли ўтказишни, экиш плани бажарилишини, шунингдек барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олинишига мустаҳкам замин ҳозирлаш мақсадида экинлар яхши парвариш қилинишини таъминлаш, чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш топшириқлари тўла ва ошириб бажарилиши юзасидан зарур тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди.

СССР Министрлар Совети министрликлар, идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, бирлашмалар, корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар КПСС XXVI съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов нутқ сўзлади.

СССР Министрлар Совети мажлисининг ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих иштирок этди.

Икки область мусобақаси: ФАРҒОНА ва СИРДАРЁ

МАРОМ ВА ИЖРО

Мусобақадош областларда 1981 йил план ва мажбуриятларининг бажарилишини текширамиз

«Социалистик мусобақа — омманинг ижодидир, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот докладида. — Ўзининг моҳият эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради».

Бу илҳомбахш сўзлардан руҳланган Фарғона ва Сирдарё областлари меҳнаткашлари ўзаро мусобақалашиб, зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришга киришдилар. Областларнинг саноат корхоналари, қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективлари 1981 йил меҳнат йилномасининг дастлабки кварталига якун ясадилар.

1981 йил иқтисодий ривожланиш планлари биринчи квартал топшириқларининг бажарилиши (процент ҳисобида)

	Фарғона области	Сирдарё области
САНОАТДА		
Маҳсулотни реализация қилиш	102,5	104,3
Саноат ишлаб чиқариши ҳажми	103,1	103,3
Меҳнат унумдорлиги	102,0	101,4
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА (давлат маблағлари ҳисобига)		
Асосий фондларни ишга туширилиши	107	55
Капитал маблағлардан фойдаланиш	84	105
Шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари	89	103
Ишга туширилган объектлар:		
Уй-жойлар	100,2	76
Умумий таълим мактаблари	—	—
Мактабгача болалар муассасалари	100	61

Республика Марказий статистика бошқармасининг энг сўнгги маълумоти бўлган йиғма ҳисобларидан кўриниб турибдики, икки мусобақадош областда саноат маҳсулотларини реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари ортиғи билан бажарилди. Айниқса, Сирдарё области саноатчилари юксак натижаларни қўлга киритдилар. Улар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 118,9, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 111,1 процент бажариб, мусобақада пешқадамлик қилдилар. Электр энергияси ҳосил қилиш, тола ишлаб чиқариш, қиймматли кечак тайёрлаш топшириқлари ошириб уддаланди. Бироқ республикамизда ўтган уч ой ичида 236 та корхона ўзаро шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш топшириғини бажармади. Бу корхоналарнинг 21 таси Сирдарё областига тегишли эканлиги ачинарли ҳолдир.

Фарғона областидаги айрим саноат корхоналари бўйича маҳсулотни реализация қилиш топшириқлари биринчи кварталда ойма-ой баравар тақсимланмаганлиги сабабли март ойи топшириқларининг тўла бажарилишига эришилмади. Чунончи, Қувасой чинисозлик корхонаси ва Фарғона азот ўғитлари заводида ана шундай бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусобақадош областларнинг қурилиш ташкилотлари ишга туширилдиган объектларни барвақт фойдаланишга топириш, асосий фондлар ва капитал маблағлардан фойдаланиш планларининг бир маромда бажарилишига эришмадилар. Айрим бинокорлик коллективлари уй-жойлар, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари объектлари қурилишларидаги ишларни суст олиб бордилар. Январь-март ойларида сирдарёлик бинокорларнинг 21,7 миллион сўмлик ўрнига атиги 12 миллион сўмлик асосий фондларни ишга туширганлигини нима деб баҳолаш мумкин? Шунингдек, Фарғона области қурувчилари ишга туширган объектлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эвча камдир.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари айрим меҳнат коллективларининг планни бажармаганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини пасайтириб юборганлиги сабабларини чуқур англашлари, социалистик мусобақа шартларида келтирилган план ва мажбуриятларнинг бажарилишида, иш маромида ва ижросинида таъминланишида уларга зарур кўмак беришлари лозим. Токи, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили план ва социалистик мажбуриятларини бажармаган биронта ҳам меҳнат коллективи қолмасин!

ЎЛКАМИЗГА ЯШИЛ ЛИБОС

Ўрмонзорлар ва боғлар барпо этиш ойлиги якунловчи даврга киримоқда. Марказий статистика бошқармаси маълумотларига кўра, ўтган йил куз ва бу йил баҳор ойларида 210 миллион туп турли кўчатлар ўтқазилди. Топшириқ 141 процент қилиб адо этилди. Ўтган 10 кун мобайнида республика яшил фонди 8 миллион туп мева ва манзарали дарахтлар, бошқа кўчатлар билан бойиди.

Айниқса, ленинча коммунистик шанбалик кунида катта ишлар амалга оширилди. Республикадаги ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар, пионерлар, комсомоллар, партия ва меҳнат ветеранларидан иборат 5 миллиондан ортиқ аҳоли шу куни шаҳарларни, посёлкаларни, қишлоқларни, ўзлари меҳнат қилаётган корхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасалари территорияларини ободонлаштирдилар, кўкаламзорлаштирдилар.

«Қизил шанбалик» кунида Тошкент шаҳридаги Чилонзор районида кўп ишлар қилинди. Райондаги «Промсвязь» заводи коллективи ўз хиёбонларини ободонлаштирди. В. И. Ленин номидаги хотин-қизлар педагогика билим юрти ўқувчилари ва ўқитувчилари Фарҳод кўчасида янги кўкаламзорлар барпо этдилар. В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройи қаршисидаги майдон эса қатор ўтқазилган гуллар билан янада яшнаб кетди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Худди мана шу куни янги боғлар, кўкаламзорлар, хиёбонлар барпо этилди. Шаҳар ва посёлкаларнинг кўчалари, проспект ва майдонлари янада кўркамлашди.

Партия, совет, хўжалик органларининг, Узбекистондаги барча жамоат ташкилотлари ва аҳолининг вазифаси 10 кун мобайнида ўрмонзорлар ва боғлар барпо этиш ойлигини муваффақиятли тугаллаш ҳамда ўтқазилган кўчатларни яхшилаб парвариш қилишни ташкил этишдан иборатдир.

Ўтқазилган барча кўчатларнинг ўсиши ва гуллашини таъминлаш зарур. Ўшандагина улар мева беради, қишларга тетиклик ва гўзаллик бахш этади.

Республика областлари, министрликлари ва идораларида кўчат экишнинг бориши тўғрисида шу йил 20 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Йиллик топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Самарқанд	— 271,8
Андижон	— 193,2
Сирдарё	— 165,7
Бухоро	— 148,9
Фарғона	— 138,3
Қашқадарё	— 125,7
Наманган	— 122,4
Жиззах	— 118,4
Сурхондарё	— 117,0
Тошкент	— 108,9
Хоразм	— 107,5
ҚҚАССР	— 100,8
Республика бўйича	— 141,4
Тайёрлаш министрлиги	— 426,9
Граждан авиацияси	
Узбекистон бошқармаси	— 400,0
«Узглавнефтеснабсбит»	— 384,7
Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги	— 362,1
Маҳаллий саноат министрлиги	— 279,7
Социал таъминот министрлиги	— 202,6
Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги	— 166,7
Хунар-техника таълими давлат комитети	— 160,6
Ички ишлар министрлиги	— 157,3
«Узбекгидроэнергострой»	— 154,8
«Главсредазирсовхозстрой»	— 150,2
Қишлоқ хўжалиги министрлиги	— 149,0
«Узбекбирлашув»	— 148,9
«Узстройбанк»	— 146,7
Қурилиш министрлиги	— 138,9
Соғлиқни сақлаш министрлиги	— 136,8
«Узколхозстрой»	— 136,8
Маориф министрлиги	— 135,3
Гўшт-сут саноати министрлиги	— 134,2
Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги	— 121,2
Коммунал хўжалик министрлиги	— 120,8
Савдо министрлиги	— 117,3
Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги	— 116,1
ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими	— 115,6
Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	— 115,4
Физкультура ва спорт давлат комитети	— 112,1
«Госкомводстрой»	— 110,7
«Госкомсельхозтехника»	— 106,1
Маданият министрлиги	— 105,0
Алоқа министрлиги	— 104,2
Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	— 103,4
Тошкент шаҳар юкроня комитети	— 103,3
Озиқ-овқат саноати министрлиги	— 102,3
Пахта тозалаш саноати министрлиги	— 101,8
Ўрмон хўжалиги министрлиги	— 101,0
Автомобиль транспорти министрлиги	— 100,9
Енгил саноат министрлиги	— 100,1
Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	— 99,4
Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси	— 97,7
Қишлоқ қурилиши министрлиги	— 87,7
Геология министрлиги	— 83,7
Балиқчилик хўжалиги давлат комитети	— 47,0

* * *

СЪЕЗД МАТЕРИАЛЛАРИ—ОММАГА

КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг пропагандистлар группаси Узбекистонда бир неча кун бўлишди. Группа аъзолари — мамлакатнинг танқли олимлари республиканинг бир қанча областлари ва районларида бўлдилар. Улар меҳнаткашлар билан бўлган учрашувлар вақтида КПСС XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладидаги қоидалар ва хулосаларни тушунтиришга оид лекциялар ўқидилар. Пропагандистлар группаси иштирокида Узбекистон партия комитетлари штатли ва штатсиз лекторлари ҳамда «Билим» жамияти активларининг семинари ўтказилди. Семинарда съезд қарорлари асосида идеологик ва ғоявий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

ОММАВИЙ НУСХАДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненконинг танланган нутқлари ва мақолалари тўплами босилиб чиқди.

Китобга киритилган ва 1971 йилдан 1980 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган асарлар КПСС фаолиятининг, социалистик жамиятни бошқариш системасини такомиллаштиришнинг туб проблемаларини, КПСС тащқи сиёсий фаолияти масалаларини ёритади. Кўпгина назарий ва амалий масалалар ойдинлаштириб берилади.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги тўртинчи бош бошқарма га қарашли Кисловодск шаҳридаги «Узбекистон» санаторийсининг бош врачи ўртоқ Худойберди Раҳмонович **Раҳмедова «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач»** фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил ҳалол ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудирлиги транспорт қисмининг автомобиль ҳайдовчиси ўртоқ Абдуқодир Аширович **Тўхтаевга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, ўрмон хўжалигини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрининг ўринбосари ўртоқ Нуъмон **Яҳёевни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Чет элларда

КУРАШАЁТГАН НАМИБИЯ БИЛАН БИРДАМЛИК

Жазоирда қўшилмаган мамлакатлар координацион бюросининг Намибияга бағишланган махсус сессияси якунловчи декларация ва ҳаракат программасини қабул қилиш билан ниҳоясига етди.

Қўшилмаган давлатлар иқчи Жанубий Африка Республикаси қонунга ҳилоф равишда босиб олган Намибияни озод қилиш учун курашаётган Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО)ни маънавий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш зарурлигини ёқлаб чиқдилар. Улар БМТ Хавфсизлик Кенгаши Жанубий Африка Республикасига қарши ҳар томонлама ва мажбурий иқтисодий жазо чоралирини жорий этишини ёқлаб фикр билдирдилар. (ТАСС).

ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН УРУШ

КОБУЛ, 22 апрель. (ТАСС). АДР хавфсизлик хизматнинг ходимлари Кобулдаги пиҳҳона омборлардан бирида топган автоматлар ва граматометларга «Мисрда ясалган», «Хитойда ясалган» тамғалари қўйилган. Топилган қурол ва анжомлар бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида маҳаллий ва ажнабий мухбирларга кўрсатилди.

Фош этилган пиҳҳона омборнинг хўжайини Азмуддин деган кимса тергов вақтида шуни айтдики, у ғайриафғон миллатга мансуб номаълум кишиларнинг «айтганимизни қилмасанг ўл,. рамиз», деган дўқидан қўрқиб, улардан қурол қабул қилиб олган, бу қуролни ўз уйига яшириб қўйган, сўнгра бошқа кишиларга топшириб турган.

Қамоққа олинган бошқа бир кимса — Вали Мамад ҳам ўз жиноятларини гапириб берди. У ўз машинасида Афғонистон территориясида бораётган пайтда босмачилар қўлига тушиб қолганини айтди.

Босмачилар унинг машинасини ёндириб юборганлар, ўзини эса Покистондаги Пешовар шаҳрига олиб бориб, газандалар тайёрловчи лагерларидан бирига киришга мажбур қилганлар. Вали Мамад мана шу «ажал мактаби»да инструкторлар орасида американликлар ва хитойлар борлигини гапирди. Улар босмачиларга чет элларидан келтирилган турли қуролларни ишлатишни, кўприк ва биноларни портлатишни, одам ўлдиришни ўргатганлар.

Матбуот конференциясида афғон аксилинқилобчиларининг АҚШ ва Хитой пулига кун кўрувчи ажнабий террорчилик ташкилотлари билан боғлиқ эканлиги ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган тарзда исботланди. АДР давлат хавфсизлиги бошқармасининг бу ерда тарқатилган бюллетида чет элларда ишлаб чиқарилган қурол-яроғ омбори топилганлиги ҳамда шу қурол-яроғни Афғонистонга келтиришга бош қўшган кишилар қамоққа олинганлиги АҚШ бошчилигидаги халқаро империализм афғон халқига қарши эълон қилинмаган урушни давом эттираётганидан яна бир карра далолат беради, деб таъкидланади.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

21 апрель куни академик А. П. Александров раислигида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг пленуми бўлди. Пленум ишида мамлакатнинг танқли олимлари ва халқ хўжалиги мутахассислари иштирок этдилар.

Пленум 1981 йилги давлат мукофотларини олиш учун тақдим этилган асарларни кўриб чиқди ва улардан энг муҳимларини конкурсда иштирок этиш учун танлаб олди.

Ана шу асарларнинг рўйхати «Известия» газетасида эълон қилинади.

(ТАСС).

Самарқанд районининг юзлаб колхозчилари, ишчи, хизматчи ва мактаб ўқувчилари коммунистик шанбалик куни районнинг Янгиариқ массивига тўпланишди. Улар бу ерда ташкил этилаётган республикадаги энг йирик колхозлараро мевачилик боғига ярим миллиондан ортиқ олма, нок, шофтоли кўчатларини ўтказдилар. Ун биринчи беш йилликнинг охирига борибғ боғ мева бера бошлайди. Суратда: кўчат ўтказиш пайти.

Р. Ғофуров фотоси; (ЎзТАГ).

ЭҲТИРОМ

Унга таъзим қиламан бу кун,
Унинг руҳи билан кучлиман.
Дахлсиз бахт, боқий эрк учун
То ўлгунча унга бурчлиман.

Ҳар жабҳада Ленин номи бор,
Ҳар юракда — у ёққан оташ.
Йўқ, Ленинсиз яшамоқ душвор,
У қалбларни ёритган Қуёш!

Қайдадир ким ғам чекиб ҳадсиз,
Парчаларкан шоҳлар зулмини —
У инқилоб қилар шубҳасиз,
Дастур этиб Ленин илмини!

У дунёга озодлик истар,
У ҳаммага яқин, қадрдон.
У онамдек бошимни силар,
У отамдек менга меҳрибон.

У боболар орзуси — уфқ!
У — халқ севган ҳақиқат! Яшар!
Бу йўлнинг ҳеч ниҳояси йўқ,
Бу йўлдан ҳеч адашмас башар!

Ғар танг қолсам маслаҳат берур,
Маёқ бўлиб таратур шуъла.
Шеърларимга нақорат эрур
Ленин деган оддий ҳар жумла!..

Унга таъзим қиламан бу кун,
Унинг руҳи билан кучлиман.
Дахлсиз бахт, боқий эрк учун
То ўлгунча унга бурчлиман.

Амирқул ПЎЛКАН.

Николай Владимирович ЛАВРОВ

Таниқли совет олими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 1942 йилдан КПСС аъзоси Николай Владимирович Лавров 21 апрель куни 70 ёшида вафот этди.

Н. В. Лавров 1911 йили Симбирскда ўқитувчи оиласида туғилди. У ўз меҳнат фаолиятини 1934 йили химия-технология институтини битиргач, тунукасозлик заводида катта инженер лавозимидан бошлади. 1937 йилдан бошлаб СССР Фанлар академиясининг техника фанлари бўлими муассасаларида ишлади. 1949 йилдан 1953 йилгача кўмирни ер остида газлаштириш Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, 1953 йилдан 1959 йилгача СССР Фанлар академиясининг ёнилғи қазилмалари институти директорининг ўринбосари бўлиб келди.

Н. В. Лавров ёнувчи газлардан фойдаланиш ва ёқилғи химияси технологияси соҳасида йирик олим эди. У юзга яқин илмий асарлар, шу жумладан, бир қатор китоб ва монографиялар ёзди.

У 1959 йил охирида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига ишга таклиф қилинди. 1960 йилда эса республика Фанлар акдемиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар акдемияси президиуми аъзоси ва техника фанлари бўлимининг академик-секретари қилиб сайланди. Н. В. Лавров 1964 йилгача Ўзбекистонда ишлаб, республикада техника фанларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Н. В. Лавров сўнгги пайтларда, 1979 йили пенсияга чиққунча Москвадаги Бутуниттифоқ газ саноати илмий-тадқиқот институти лабораториясига раҳбарлик қилиб, Урта Осиё газ саноати илмий-тадқиқот институтига кўмак берди, унинг бир қатор илмий ишларига консультант ҳамда аспирантларга раҳбар бўлди.

Н. В. Лавров Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ва жамоатчилик ҳаётида фаол иштирок этди. «Ёнувчи газлар» умумакадемия проблемаси раҳбарларидан бири бўлиб, СССР «Главгазнинг илмий-техника кенгашига, бир қатор илмий кенгашларга аъзолик қилди.

Н. В. Лавров II даражали Ватан уруши ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени, Совет Иттифоқи медаллари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, таниқли олим, камтарин ва меҳрибон ўртоқ Николай Владимирович Лавровнинг ёркин хотираси уни билган ҳамма кишиларнинг қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия-технология фанлари бўлими.

Урта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий-тадқиқот институти.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА: ЁЗУВЧИ ВА ҲАЁТ

МАЪМУРЧИЛИК КАЛИТИ

ШОНЛИ партиямиз XXVI съезди қарорлари қалбларни тўлқинлантирмоқда, янги ўй ва фикрлар ўйготиб, бизни нурли уфқлар сари чорламоқда. Куни кеча кўҳна Бухоро воҳасини айланганимда, бунинг гувоҳи бўлдим. Қирлари уфққа туташган Томди ва Конимех яйловларидан минглаб гектар қўриқ очилаётган қадимий Варахшагача, ширин-шакар қора шивиргони билан донг таратган Шофиркон токзорларидан миришкор пахтакорлар макони забардаст Гиждувонгача, Ўртачўлдаги унумдор ерлардан пиллачиликда шуҳрат топган Ромитангача — ҳамма жойда зўр меҳнат кўтаринкилиги, юксак сафарбарлик қудрати тўлқин каби жўш урмоқда.

«Партия ўн биринчи беш йилликда ва умуман саксоннинчи йилларда, — деб таъкидлади Леонид Ильич, — халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг кенг программасини илгари сурмоқда... Келинги беш йилликлар мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсди. Айни пайтда партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиесий бюроси ҳар бир республика, ҳар бир областдаги аҳволни яхши билганлари ҳолда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда ҳали қийинчиликлар борлигини кўриб турибдилар... Бу проблемани узил-кесил ҳал этиш мақсадида махсус озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш зарур деб топилди. Бу программа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг анча кўпайтирилишини таъминлаши керак...».

Областда ғўшт етиштириш икки баравар кўпанди. Бугун бу масала ҳамманинг диққат марказида турибди. Область партия ташкилоти бу ишни биринчи навбатда, албатта, совхоз ва колхозлардаги имкониятларни қайта кўриб чиқишдан бошлади. Бухорода ўтган бешта қорақўлчилик совхози бор. Булар фақат қўйчилик бўйича ихтисослашган. Бироқ совхозларда қўй етиштиришдан ташқари имкониятлар ҳам бор. Аввало қўйдан ортиб қоладиган озиқ-овқатлар мавжуд. Ишчи кучи, транспорт етарли. Шунга қарамай, совхозларда чорвачиликнинг қўйчиликдан бўлак бирон тармоғи билан шуғулланилмайди. Бунинг устига, ҳар йили ғўшт бўйича белгиланган каттагина планни бажараман деб, қўйни кўпайтиролмайди улар. Демак, модомики ғўшт проблемаси турган экан, уни ҳал этишнинг бошқа чорасини излаш керак. Бунинг учун ҳар бир совхозда замин бор. Совхозларда чорванинг бутун турларини миридан-сиригача биладиган кўплаб мутахассислар ишлаб турибди. Хўш, нега бўлмаса бу ерларда фақат қўйчилик билан шуғулланилади?

Бу борада Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг ишчилари ўйлаб қолишди. Совхознинг анча билимдон директори Узоқбой Манатов ташаббускор ишчиларни йиғди. Биринчи бўлиб совхознинг кекса ишчиси Ўктам бобо сўз олди.

— Ота-боболаримиз, аждод-аждодимизгача чорвадор ўтган, — деди у оппоқ чўқи соқолини тутамлаб, ўйчан кўзларини бир нуқтага қадаб сўз бошларкан. — Қишлоқда товуқ, ғоз, ўрдак, курка, сигир-бузоқ бўлмаган кезни эслолмайман. Нега бугун ҳаммамиз қўйга тикилиб қолдик. 15—20 минг товук боқайлик. Борингки, шундан ўн минги соғ қолсин. Ун тонна ғўшт бўладими? Пилига тўрт марта жўжа очирсак, бу — қирқ тонна ғўшт дегани. Шу қирқ тонна қанча сўйилиб кетаётган қўйлар жонига оро киради? Жилла бўлмаса, икки юз қўй қолади. Хўш, бунинг устига курка, балиқ асрасак, қўйларимиз яна кўпаядими? Бу ёқда аёлларимиз бекор. Сигир боқсин. Мол ўстирсин. Сен совхозга бош-қошсан. Ўйлаб кўрсанг бўлмасмиди?

Ўктам бобонинг бу сўзлари кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Тўрда сукут сақлаб ўтирган Узоқбой мийғида кулиб, бобонинг гапларини маъқуллаб бош иргади. Сўнгра: «Сиалар нима дейсизлар?» дегандек йиғилганларга қаради.

Йиғилганлар жонланиб қолишди. Кимдир чўқчилик ҳақида қуйиб-пишиб гапирди. Яна биров қуён боқиш афзалликларини ўртага солди.

Мажлис аҳли бир тўхтамга келиб тарқалишди. Совхознинг тадбиркор директори Узоқбой Манатов қўйчиликдан чиққан маслаҳатни ҳафта ўтмай амалга ошира бошлади. Ун беш минг жўжа сотиб олди совхоз. Ертўла қазиб, товуқхона қилинди. Иситиладиган агрегат ўрнатилди. Утган йили декабрь ойида олинган жўжалардан биронтаси ҳам нобуд бўлмади. Товуқхонанинг ёнидан яна бир ертўла очиб, қуён қўйилди. Унинг ёнидаги ертўла—чўчқахона. Бу ертўлалар қишда иссиқ, ёзда салқин. Совхоз ерлари барханқум бўлгани учун нам ҳам йўқ. Қум захни шимиб олянти. Хотин-қизларга совхоз маъмурияти элликта сигир сотиб олиб берди. Бузоқчалар бўрдоқига қўйиляпти, гунажинлар согимга боқиляпти. Совхозда битта артезиан қудуғи бор эди, Унинг суви тўртта ҳовузчага оқизилиб, балиқхона қилинди. Бу ҳовузчаларнинг остида балиқ, устида курка, ўрдак-ғоз боқиляпти. Эндиликда совхозда инкубатор қуриш мўлжалланмоқда. Совхоз булардан ташқари, етти юз от, тўққиз юзта туя ўстирди. Чорвачиликнинг етти хазинасидан тўла фойдаланаётган совхоз ишчилари бу йил давлатга ғўшт сотиш ярим йиллик планини областда биринчилар қаторида бажаришди. Қўй кўпаймоқда. Совхоз қорақўл тери топшириш планини ҳам ортиғи билан бажарди.

ОБЛАСТЬ партия комитети барча райкомларнинг биринчи секретарлари, ижроия комитетларнинг раислари, қорақўлчилик совхозларининг директорлари ва зооветеринарлари семинарини ана шу илғор совхозда ўтказди.

Шундай қилиб областнинг ўттиз бешта совхозида чорвачилик ишлари ана шу йўсинда ташкил этилди.

Колхозларнинг ҳам шундай семинарини ўтказиш вазифаси кўндаланг турганда, бунга Гиждувон районидаги Энгельс номли колхоз танланди. Бу колхоз пахтачилик, боғдорчилик ва хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш билан бирга 500 — 600 чўчқадан ҳар йили тонналаб ғўшт топширмоқда. Қўй боқиб, давлатга қорақўл тери сотяпти. Қорамол етарли. Сигирларнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда уч минг литрдан сут соғиляпти. Товуқ билан ғозу, курка-ю, балиқ ҳам бор колхозда.

Колхозлар бўйича ўтказилган семинарга зоотехниклар, ветеринария врачлари, ферма мудирлари, чорвачилик бўйича бухгалтерлар, ассиляторлар, партия ташкилотларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, уларнинг чорвачилик бўйича муовинлари, район сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги техникаси бошқармаларининг раҳбарлари тўпланишди. Колхозларда ҳам чорвачиликни шу тарзда ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

ОБЛАСТДА ўн битта боғдорчилик совхози, элликдан ортиқ хўжаликнинг бошқа соҳалари билан шуғулланувчи совхозлар ва бир юз ўнта колхоз бор. Беш юздан ортиқ мактаб, уч юздан зиёд шифохона ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммасида ҳам ер бор, одам бор. Ери йўқ шифохона ва мактабларга эса ер берилди. Булар ҳам чорвачилик билан шуғулланаётган, унинг озуқа базасини яратаётган барча маккажўхорикорлик ва бедачилик бригадаларидаги кишларнинг иш ҳақини пахта билан шуғулланаётган бригадаларнинг энг яхши ойлиги билан тенглаштириб қўйилди. Бу тадбирлар ҳозиргинг ўзидаёқ самарасини бермоқда.

Областда давлатга ғўшт сотиш биринчи квартал плани муддатидан анча илгари 186 процентга етказиб бажарилди. Ҳозир Бухоро меҳнаткашлари ғўшт сотиш бўйича ярим йиллик планни бажариш арафасида турибдилар. Чорвадорлар учинчи кварталда ғўшт планини фақат ғоз-ўрдак, товуқ, қуён, курка, чўчқа ва қўйчқорлар ҳисобига бажармоқчилар. Қорамоллар эса бўрдоқига қўйилади. Шундай қилиб, йил охиригача ҳозир топширилганда вазни 300 — 400 килограммдан ортиқ бўлмаган қорамолларнинг ҳар бири 500 — 600 килограммга етади. Бу — ҳам йиллик ғўшт планини ортиғи билан бажариш, ҳам қорақўл қўйлар туғини кўпайтириш имконини беради.

БУ УЛКАН ишларни озуқа базасини мустаҳкамламай туриб амалга ошириш мумкин эмас, албатта. Ўтган йили областда 12 минг гектар ерга уруғ ташланганди. Бу йил 20 минг гектар ердан маккажўхори дони ва 15 минг гектар ердан силосбоп озуқа олинади. Ўтган йили бухороликлар ўн тўрт минг гектар ерда беда ўстиришган эди. Бу йил икки баравар кўпайтирилиб, йигирма саккиз минг гектар ер бедазорга айлантирилади.

Бухороликларнинг аҳди шундай. Мустаҳкам ем-хашак базаси эса мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши эса ҳар йили ғўшт етиштиришни йигирма процентдан ошириб бориш имкониятини беради. Ун биринчи беш йилликда Бухорода ғўшт етиштириш икки баравар кўпаяди. Бунинг учун областда бугун барча имкониятлар мавжуд.

Саъдулла КАРОМАТОВ.

Леонид Ильич Брежневнинг ана шу оқилона сўзларига амал қилган область партия ташкилоти масаланинг бу томонига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Чорвачилик билан шуғулланаётган, унинг озуқа базасини яратаётган барча маккажўхорикорлик ва бедачилик бригадаларидаги кишларнинг иш ҳақини пахта билан шуғулланаётган бригадаларнинг энг яхши ойлиги билан тенглаштириб қўйилди. Бу тадбирлар ҳозиргинг ўзидаёқ самарасини бермоқда.

Областда давлатга ғўшт сотиш биринчи квартал плани муддатидан анча илгари 186 процентга етказиб бажарилди. Ҳозир Бухоро меҳнаткашлари ғўшт сотиш бўйича ярим йиллик планни бажариш арафасида турибдилар. Чорвадорлар учинчи кварталда ғўшт планини фақат ғоз-ўрдак, товуқ, қуён, курка, чўчқа ва қўйчқорлар ҳисобига бажармоқчилар. Қорамоллар эса бўрдоқига қўйилади. Шундай қилиб, йил охиригача ҳозир топширилганда вазни 300 — 400 килограммдан ортиқ бўлмаган қорамолларнинг ҳар бири 500 — 600 килограммга етади. Бу — ҳам йиллик ғўшт планини ортиғи билан бажариш, ҳам қорақўл қўйлар туғини кўпайтириш имконини беради.

БУ УЛКАН ишларни озуқа базасини мустаҳкамламай туриб амалга ошириш мумкин эмас, албатта. Ўтган йили областда 12 минг гектар ерга уруғ ташланганди. Бу йил 20 минг гектар ердан маккажўхори дони ва 15 минг гектар ердан силосбоп озуқа олинади. Ўтган йили бухороликлар ўн тўрт минг гектар ерда беда ўстиришган эди. Бу йил икки баравар кўпайтирилиб, йигирма саккиз минг гектар ер бедазорга айлантирилади.

Бухороликларнинг аҳди шундай. Мустаҳкам ем-хашак базаси эса мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши эса ҳар йили ғўшт етиштиришни йигирма процентдан ошириб бориш имкониятини беради. Ун биринчи беш йилликда Бухорода ғўшт етиштириш икки баравар кўпаяди. Бунинг учун областда бугун барча имкониятлар мавжуд.

Саъдулла КАРОМАТОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Мультфильм. 10.35 — Ҳайвонот оламида. 11.35 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг, иқболинг. 16.00 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 17.00 — Рус тили. 17.30 — Горичилар, қаердасиз! 18.00 — Концерт. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. «Фейеноорд» (Голландия) — «Динамо» (Тбилиси). 21.30 — Время. 22.05 — С. Прокофьев туғилган куннинг 90 йиллигига. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Светофор. 16.20 — Мультфильмлар. 18.45 — Ешлик. 19.15 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Новеллалар театри. 20.15 — Янги қаҳрамонлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Спорт программаси.

II.

18.40 — Болалар учун фильм. 19.15 — Реклама. 19.30 — Ўқитувчи экрани. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Севги қўшиқлари. 9.35 — Куйлардан қўшиқларга. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Устюрт чорвадорлари ҳузурида. 14.00 — Мўл ҳосил етиштириш тажрибасидан. 18.15 — Халқ контроли — амалда. 18.25 — Ешлик. 19.25 — Р. Маҳмудов куйлайди. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Ер — қонот гули. 21.20 — Чорвачилик зарбдор фронт. 22.30 — Янги Ангрен ГРЭСи қурувчилари учун концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«ЎЛИМГА ТИК БОҚИБ»

Сценарий муаллифи — Юрий ЯКОВЛЕВ.
Постановкачи-режиссёр — Наум БИРМАН.

Бу фильм урушдаги болалар ҳақида. Улар катталар билан бирга ҳужумга, душман орқасига разведкага бормаганлар, ваҳолонки Улуғ Ватан уруши тарихида бундай воқеалар ҳам содир бўлган. Бу фильм ҳикоя қиладиган ёш раққослар каттаклар билан баравар ҳолда урушнинг огир кунларини ўз бошларидан кечирганлар. Улар ўз санъатлари билан солдатлар руҳини кўтариб, инсон продасини енгиб бўлмаслигини тасдиқлайдилар.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ШУБҲАЛИ ОДАМ»

Сценарий муаллифи — Арнольд ГРИГОРЬЯН (Михаил Бадиклян иштирокида).
Постановкачи-режиссёр — Михаил БАДИКЯН.

Бу ўткир саргузаштли фильм воқеалари Молдавияда 1918 йилда содир бўлади.

Бош ролларда: Р. НАХАПЕТОВ, С. ТОМА, Б. ИВАНОВ, В. НИКУЛИН, Б. БРАНДУКОВлар қатнашадилар.

«МОЛДОВОФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«АЛЁША»

Сценарий муаллифи — Анатолий ШАЙКЕВИЧ.
Постановкачи-режиссёр — Виктор ОБУХОВ.

Бу фильм ёш адабиёт ўқитувчиси Алексей Хромовнинг қурилиш техникуми ўқитувчилари ва ўқувчилари билан муносабати тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

СВЕРДЛОВСК КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Республика кинофильмлар прокати конторасн.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Ун учинчи ранс**, 25/IV да **Алмандар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23, 24/IV да **Ишонмасанг, ўламан**, 25/IV да **Гулсара.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IV да **Отасининг қизи**, 24/IV да **Гуноҳкор авлиё**, 25/IV да **Баланд дорга осилма.**

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист **Товфиқ ОХУНДОВ** раҳбарлигидаги

«АФРИКА БЕГЕМОТЛАРИ» АТТРАКЦИОНИ

Георгий **ВОЛИШИНСКИЙ** раҳбарлигидаги **«МУШУКЛАР БИЛАН ОРИГИНАЛ ДРЕССУРА»** аттракциони иштирок этади.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-84, 44-33-91.

Узбекистон ССР Социал-таъминот министрлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1931 йилдан буён КПСС аъзоси

Қодирхожи ВАҲОБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Ички ишлар министрлиги коллегияси ва партия комитети ички ишлар министрлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги М. М. Мирпўлатовга онаси

Ойшабиби СУЛТОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда аппарат ходимлари президиумнинг катта консультанти Т. М. Мирпўлатовга онаси

Ойшабиби СУЛТОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент халқ хўжалик институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари фалсафа кафедрасининг профессори

Рустам Ҳакимович АБДУШУКУРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

СПОРТ

ТЕННИСЧИЛАР ҲАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Узбекистоннинг ҳорижий мамлакатлар билан иқтисодий-маданий алоқалари йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланмоқда. Тинчликни, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири — физкультура ва спортнинг бу борадаги аҳамияти айниқса диққатга сазовор. Шу кунларда республика пойтахтида давом этаётган теннисчилар халқаро мусобақаси ёшлар ўртасида ўзаро дўстлик ришталари боғланишининг ажойиб воситасига айланди. «Совет Ўзбекистони» мухбири меҳмонлар — теннисчилар устозлари билан учрашиб, улардан қўш саволга жавоб олди:

1. Мамлакатингизда спортнинг теннис турини ривожлантириш ва оммавийлаштириш тажрибаси ҳақида сўзлаб бергингиз.

2. Узбекистон пойтахти, «Динамо» теннис стадиони ва спортчиларимиз Сизда қандай таассурот қолдирди!

ЖАМОАТЧИЛИК ТАЯНЧИМИЗ

Людвиг ГИБЛЕР, ЧССР теннис федерацияси президиуми аъзоси

1. Бизда теннис спортнинг энг оммавий турларидан саналади. Кичик тўп билан машғулотлар ўтказиш учун шароитлар тобора яхшиланмоқда. Ҳозир 2780 теннис майдончаси спортчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Чехияда теннисни айниқса ёқтиришади. 20 мингдан зиёд малакали теннисчи маҳорат оширмоқда. Бизда ўзига хос анъана бор. У ҳам бўлса, бошланғич синфларда тажрибали тренерлар болаларга устозлик қилиб, теннис бўйича дастлабки сабоқни берадилар. Кейинчалик эса категорияси бирмунча пастроқ тренерлар ёшлар билан машғулот ўтказаверадилар. Муҳими, болаларда теннисга нисбатан ихлос уйготиб, уларнинг орасидан иқтидорларини саралашга имкон вужудга келади. Бу усул ҳозирча ёмон самара бераётгани йўқ.

2. Шаҳрингиз менга жуда маъқул келди. Кўркам, замонавий шаҳарлардан бирига айланибди. «Динамо» теннис стадионини ажойиб масканг дейиш мумкин. Бу ер тинч, файзли. Мусобақа ўтказиш учун барча шароитлар бор. Тошкентлик теннисчилар астойдил ҳаракат қилишяпти. Ўзбекистонда спортнинг теннис турини оммавийлаштириш учун қулайликлар мавжудлиги айниқса қувончли.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ТАБАССУМИ

Йон МАРИН,
ихтисослаштирилган мактаб тренери

1. Руминияда спортнинг теннис ва футбол тури тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ота-боболаримиз кичик ва катта тўп ўйинлари билан машғул бўлган эканлар. Авлодларнинг ана шу анъанаси ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Айниқса, теннис тобора оммавийлашиб боряпти. Биз уч марта «Дэвис» кубогини қўлга киритганмиз. Кейинги йилларда қобилиятли теннисчилардан саралаб ажойиб команда тузишга ҳаракат қиляпмиз. Ўйлайманки, яқин йилларда умидли бу теннисчилар йирик мусобақаларда мамлакатимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

2. Тошкент кўчаларини айланиб, бир нарсанинг шоҳиди бўлдим. Бу, одамларнинг шодон чеҳраси-ю мулойим табассуми эди. «Динамо» теннис стадиони замонавий усулда барпо этилган. Фақат бу ерда майдончага қизил қум тўшалар экан. Бизда эса, қизғиш тупроқ сочилади. Қум ҳам ёмон эмас, фақат бир оз ишқаланиши кўпроқ. Спортчиларингиз орасида истеъдодлилари кўзга ташланмоқда.

КЎНГИЛЛИЛАР

Хайнц ШТУРМ,
ГДР командаси раҳбари

1. Спортнинг кўпгина турлари қаторида теннисни ҳам оммавийлаштиришга аҳамият бериляпти. 1300 теннис майдончасида 40 мингдан зиёд спортчи машғулотларни мунтазам ўтказиш имкониятига эга. Берлин, Магдебург, Дрезден шаҳарларида теннис яхши йўлга қўйилган. Теннис яқин йилларда Олимпиада программасига киритилиши ҳақидаги хабардан беҳад мамнунмиз. Бизда теннисчиларга асосан жамоатчи тренерлар кўнгилли бўлиб устозлик қиладилар. Мамлакатда теннис бўйича беш нафаргина профессионал тренернинг борлиги ҳам шундан далолатдир.

2. Сирасини айтсам, шаҳарни айланишга ҳали вақт топмадим. «Динамо» стадиони йирик мусобақалар ўтказишга мослаб қурилган. Ўзбекистоннинг иқлим шароити спортнинг мазкур турини ҳар томонлама ривожлантиришга жуда қўл келади.

ТОШКЕНТДА ЯНА ЕР СИЛКИНДИ

Тошкент аҳолиси кеча маҳаллий вақт билан соат 3 дан 17 минут ўтганда ер силкиниши-дан уйғониб кетди. Бу гал ҳам ер силкиниши Тошкент яқинидаги Назарбек қишлоғида рўй берди. Бу ерда ер 5 балл куч билан силкинди. Тошкентда ер силкинишининг кучи 4 баллга етди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши—32-57-20; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд —6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; 33-90-50.

Р. 01948. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 94.